


ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК!



БУГУНГИ катта йиғинга Бўкадаги Ҳамза номи колхоз механизаторлари ҳам ёгур юз билан келдилар. Улар юбилей йили мавсумда «зағори кема»ларни уюмчи ишлатиб, пахтанинг асосий қисmini ўзлари териб бердилар. Бу суратда колхознинг пеш қадам механик-ҳайдовчиларидан Т. Мусурмонов (чапда), Э. Азиев ва С. Азиев ўртоқларини кўриб турибсиз.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 241 (3723).

9

ДЕКАБРЬ

ШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТИМИЗ БУ ЙИЛ 362.369 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ. 224.221 ТОННАСИ МАШИНАДА ТЕРИЛДИ

ЯЛПИ ҲОСИЛ МАШИНАДА

Оққўрғон	— 79,964 тонна	— 61.906 тонна
Бўка	— 79.843 тонна	— 55.807 тонна
Янгийўл	— 69.840 тонна	— 40.293 тонна
Урта Чирчиқ	— 60.274 тонна	— 31.319 тонна
Бекобод	— 45.340 тонна	— 24.870 тонна
Юқори Чирчиқ	— 19.848 тонна	— 8.925 тонна
Оржоникидзе	— 7.260 тонна	— 1.101 тонна

ДЕҲҚОН ЗАФАРИ

Йилимиз яқунларига назар ташлайлик: Қанчалик салмоқдор, маъмули. Қанчалик қувончли ва баракади! Ишчи ҳам, деҳқон ҳам, интеллигент ҳам, ҳамма ўз меҳнати самарасидан бешиқ мамнун.

Совет давлатининг ярим асрлик ўзини таъна қилмаган йилимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб йўлида янада улкан ва тарихий ишлар амалга оширилди. Олга томон забардаст одим ташладик. Мамлакатимиз куч ва қудрати ошди, экономикамиз юксалди, халқ фаровонлиги янада яхшиланди.

Юбилей йили пойтахт меҳнаткашлари учун ҳам унутилмас қувончли воқеалар, янгидан-янгидан зафарлар келтирди. Партияимизнинг XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларидан руҳланган Тошкент области меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва ижодий ғайратларини, қалб ҳароратини ва талантларини юбилей йилининг шарафли ва масъулиятли вазифаларини тўла адо этишга сафарбар этдилар. Бу мақсадга эришиш учун янги, прогрессив усуллардан, илгир тажрибалар, фан, техника ютуқларидан кенг фойдаланилди. Ҳар қандай қийинчиликлар, табиий офатларга қарши мардонавор кураш олиб борилди.

Тошкент деҳқонининг меҳнат зафари эндиликда ҳар биримизни мамнун этмоқда. Унинг сабот ва матонатига тасанно демокдаммиз. Тошкент пахтакори яна қаровонбоши бўлди! Тошкентнинг азамат дала ғаврадийчилари яна сарвор бўлдилар. Тошкент суратига ҳамма яна қойил қолди. Бу йил она-Ватанга 362 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик утган йилгидан анча ошиб, 26,3 центнерга етди. Ана шу улкан ғирмоннинг 62 процентдан кўпрогини «зағори кема»ларнинг марду-майдон суворийлари ўйдилар. Ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир зиево ўз меҳнат маҳсули ва мусосиб ҳиссаси билан улкан ғирмонимизни кўшларга қўшарди. Иккинчидан қизил паллада кирган пайтда машиналарда кунига 6-7,8 процент ва унда ҳам ортиқ миқдорда пахта тайёрланди. Оққўрғон, Бўка, Урта Чирчиқ, Янгийўл ва Юқори Чирчиқ районларининг баҳодир, моҳир пахтакорлари эса бир неча кун давомида кунига 4-5 процентдан пахта тайёрладилар. Мана сизга янгиликнинг, самараси, машинанинг қудрати, деҳқон ақл ва заковотининг ифодаси.

Областимизда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари деҳқончилик, чорвачилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш, кўпроқ маҳсулот етиштириш йўлида ҳам самарали иш қилдилар. Бу йил давлатга пилла, дов, каноп, шол, жуи етказиб бериш планлари ошғини билан бажарилди. Сабзавотчиларимиз ва боғбонларимиз ҳеч қачон бунчалик катта зафар қўчган эмас эдилар. Сабабот, картошка етказиб бериш планлари ортиги билан бажарилди. 187568,5 тонна сабзавот, 32684,9 тонна картошка етиштирилди. Сабаботчилик ва боғдорчиликка ҳам меҳнат ҳақ тўлашининг, янги усуллар жорий қилимди. Ҳар бир меҳнаткашнинг ўз ишига мусоабати тубдан ўзгарди. Унинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

Йилимизнинг сўнг қўнларини ўтказмоқдамиз. Ҳар бир кун қувончли воқеалар билан нишонланмоқда. Саноат ҳодимлари беш йилликнинг иккинчи йили топириқларини бажариш арафасида турибдилар. Деҳқонларимиз 1968 йил учун катта режалар белгиламоқдалар. Шудгордаш тугалланай деб қолди. Чорва қишлоқини мамнули ўтказиш тадбирлари қўрилатиб, Сабаботчиларимизнинг ҳам ишлари қизғин. Меҳнат, ғайрат ва ташаббус янада булукдек қайнаётган шу пайтларда Хоразм пахтакорлари янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар пахтачилик соҳасида ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида беш йилликка мўлжалланган топириқларини муддатидан илгари бажариш ва бу билан улук доҳимиз Владимир Ильич Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини мусосиб қўтиб олиш вазифасини оқилларига асосий мақсад қилиб қўйдилар. Калинин районидаги Ильич номи колхозининг сабаботчилари, Урта Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбурият олдилар.

Қишлоқ хўжалиги ҳодимларининг бутун очиладиган область кенгаши ҳам навобатдаги вазифаларининг белгилаб, бешйилликка мўлжалланган топириқларини муддатидан илгари бажариш соҳасида нималар қилиш кераклигини аниқ кўрсатиб беради. Ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайлик, уларни ҳамма ерда кенг ёйايлик. Қишлоқ хўжалигида эришилган ғалабаларимизнинг таъкилотчиеси бўлган партия таъкилотлари бу соҳада янада беш бўлишлари, меҳнаткашларнинг ғайрат ва ишжоясини, олдимизда турган улкан вазифаларга сафарбар этишлари лозим.

Йилимизнинг зафарли яқунлари янги ишларга — беш йилликнинг улкан марраларига ялҳомлантирсин. 1968 йил ҳам юбилей йилдигидек қувончли йил бўлсин.

БУ ЙИЛ ОБЛАСТИМИЗДА ҚАНЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНДИ

Ғалла	52.929 тонна	Мева ва узум	57.168 тонна
Шоли	16.405 тонна	Пилла	1.400 тонна
Каноп пояси	315.105 тонна	Гўшт	19.493 тонна
Сабзавот	187.569 тонна	Сут	53.629 тонна
Картошка	32.685 тонна	Жун	12.564 центнер

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
8 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН
МА Ё Л У М О Т

Районлар	Планга нисбатан процент ҳисобида
ОРЖОНИКИДЗЕ	101,5
КАЛИНИН	101,4
ОҚҚҮРҒОН	100,9
Янгийўл	98,3
Юқори Чирчиқ	95,2
Урта Чирчиқ	87,1
Бўка	71,6
Бекобод	64,6
Область бўйича	87,9

ВАТАНГА ХИЗМАТ—МУҚАДДАС БУРЧ

ОҚ НЎЛ

Воқеалар майдонини. Бу ерда эркимиз ва бахтимиз учун курашганлар хотирасига ўрнатилган ҳайкал сабоот билан боғлиқ турибди. Бу ёдгорлик ёшларга оталаримиз, акаларимиз жасоратига мусосиб бўлиб етишини, деяртагандай. Ҳа, бахтли ҳаёт учун, Ватанимизнинг озодлиги учун қон тўққан, қаҳрамонлик кўрсатган кишиларнинг жасорати ёшлар учун муқаддасдир. Бугун улар ана шу жасоратга жасорат қўйиш учун, шухратга шухрат қўйиш учун оланганлар.

Ҳайкал олдида ўрнатилган минбарга Ўзбекистон партия ва ҳукумати раҳбарлари келадилар. Ватан хизматига олган янгиликларни қўзғатишга бағишланган тантанали митинг очилади. Митингнинг об-ласт партия комитетининг би-

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидан ҳарбий хизматга қақирилганларни кузатишга бағишланган тантанали митинг

рийчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов очади.

Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. Г. Лашченкога сўз берилади. У бўлажак жангчиларини Совет армиясининг шонли сафига қўшилиётганлиги билан табриқлайди.

— Ҳадемай сиз ҳарбий форма кийсиз. Совет ҳалқининг, коммунизм қураётган Ватанимиз меҳнаткашларининг тинч меҳнатини қўриқлаймиз.

Нотун армияга қақирилувчилар Туркистон ҳарбий округининг барча жангчилари номидан таъриқлайди.

Област комсомол комитетининг секретари ўртоқ Б. Тошқужаев микрофон олдида кела-

ди. У бўлажак жангчиларни Ўзбекистон комсомол ёшларининг шонли традицияларини давом эттиришга қақиради.

Митингга сўзлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев, фарзандини Ватан хизматига жўнатаёт Озод Жўраев ёшларни Совет Армияси сафларида мамнули хизмат қилишга қақирдилар.

— Сиз шундай хизмат қилишги, биз сизнинг муваффақиятларингиз билан фахрланайлик. — деди ўртоқ О. Жўраев.

Бўлажак жангчилар номидан Қуйбўшев районидаги ҳарбий хизматга қақирилган Александр Костенко ва Калинин районидаги ҳарбий хизматга қақирилган Аҳмад Абдуллаев сўзладилар. Улар партия ва ҳукуматни, Ленин комсомолни,

ота-оналарини ишонттириб, «сизларнинг нақазларингизни шараф билан бажарамиз» деб сўз бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан ёш жангчиларга оқ йўл тилади.

— Сиз Совет Ўзбекистонининг секинли фарзандлари ҳалқимизнинг шон-шухратини оширасиз. Совет Армиясининг му-

носиб жангчилари бўлиб етказиласиз, — дейди ўртоқ Ш. Рашидов.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидан ҳарбий хизматга олланган ёшларни армияга кузатишга бағишланган тантанали митингга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг буюк аъзолари Р. Қўрбонов, В. Г. Томоноссов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов қатнашдилар.

КОМИССИЯДА

Комиссия раиси столида Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссиясининг ўринбосари полковник Соҳир Охунжонов, Врзлар қабулидан ўтган йигитлар навобат-

(Давоми тўртинчи бетда).



«ОҚ НЎЛ». Ватан олдидаги хизматининг шараф билан ўтаб қайт! Ҳаммаининг дилида, тилида ана шу сўз. Офицер Григорий Попов ҳарбий хизматга жўнаётган ёшларга (чапдаги сурат) ҳарбий билетни топириқлар экан уларни оталари ва акалари нздан боришга даъват этапти. Ўғдаги суратда Оққўрғон районидаги Вонтепов Н. Тураев фотолари.

